Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (6019). 13 августа, 1977 йил ⊙ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚА САМАРАСИ

АНГРЕН шаҳар меҳнаткашлари СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан бениҳоя руҳланиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Барча корхоналар ва қурилиш ташкилотларида ана шу улуғ айёмга арзирлик тортиқлар билан келиш учун социалистик мусобақа авж олмоқда.

Мусобақа иштирокчилари давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Шунинг учун ҳам йил давомида пландагидан ташқари 4 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилишга ваъда берган ангренликлар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти. Шу йилнинг ўтган етти ойида мажбурият анча ортиғи билан адо этилди. Қўшимча реализация қилинган саноат маҳсулоти ҳажми 2779 минг сўмни ташкил этди. Бу мажбуриятдагидан 412 минг сўмлик кўпдир.

Шаҳар меҳнаткашлари эришаётган ютуқларга қатор корхоналар коллективлари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, Ангрен кўмир разрези коллективи бошқаларга намуна бўляпти. Разрез кончилари йил бошидан бери жадал суръатлар билан ишлаб, ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини доим ортиғи билан адо этишяпти. Шаҳар бўйича ўтган етти ойда пландагидан ташқари 122 минг тоннадан кўпроқ «қора олтин» қазиб чиқарилди. Бунинг деярли ҳаммаси кўмир разрезида вагонларга ортилди. Умуман шахтёрлар мажбуриятларини муваффақиятли уддасидан чиқмоқдалар. Ўтган етти ойда мажбуриятдагига қўшимча 65 минг тонна ёқилғи қазиб чиқаришди. Бу билан улар йиллик ваъдаларини ҳам барвақт шараф билан бажардилар.

Шаҳардаги керамика комбинати, бинокорлик материаллари саноати комбинати ва бошқа корхоналар коллективлари ҳам юбилей йилида самарали ва сифатли ишлаб, мажбуриятларини ой сайин эмас, балки ҳафта билан адо этишяпти.

БИНОКОРЛАР, БАЙРАМ МУБОРАК

Коммунистик жамиятнинг нурафшон биносини собитқадамлик билан барпо этаётган халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Ҳар йили бутун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида ғоят тантанали равишда бўлиб ўтадиган Бинокорлар куни ҳам ана шундай анъаналарнинг биридир.

Бу йил бунёдкорлар шаънига таъсис этилган байрам жонажон Коммунистик партиямиз XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, инсоният тарихида янги социалистик даврга асос солган Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун мусобақа авж олган, СССР янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини ҳар қачонгидан ҳам юксакликларга кўтарган бир вазиятда нишонланмоқда. Бу куннн фақат буёдкорларгина эмас, балки бутун совет халқи зўр хурсандчилик, қувонч, шоду ҳуррамлик билан байрам қилади.

Бу олийжаноб касбга меҳр-муҳаббат қўйиб, унинг олам-олам маъноси, моҳиятини кўз-кўз қилаётган ҳамда ҳақиқий маънода бунёдкор бўлган оташқалб, меҳрпарвар, мақсади улуғ, нияти пок кишилар ўзларининг ажойиб яратувчилик меҳнатлари билан халқимиз олқишига, ҳурмат-эътибори ва иззат-икромига сазовор бўлишяпти.

Бунёдкорлар коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳамма соҳаларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Жамиятимизнинг раҳбар ишчилар синфи илғор отрядларидан ҳисобланган бу ҳунар эгаларининг амалга ошираётган ишлари, меҳнатдаги қаҳрамонликлари ва жонбозликлари тилларда достон бўлмоқда, дилларни ҳушнуд қилмоқда, қалбларга олам-олам қувонч бахшида этмоқда. Ҳар вақт ва ҳамма ерда олдинги сафда бораётган бинокорларимизнинг қадами етган чўлу саҳролар гуллаётган воҳага айланмоқда. Уларнинг куч-ғайрати, ақл-идроки, қалб қўри билан бутун-бутун шаҳарлар, посёлкалар олам юзини кўряпти, сонсиз-саноқсиз саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар, оби-ҳаёт каналлари бунёд этилмоқда.

Шунинг учун ҳам бу касб эгалари бизнинг социалистик мамлакатимизда ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Бинокордар куни ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бизда қурувчилар меҳнатини енгиллаштириш ва иш шароитини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар кўрилмоқда. Қудратли машина-механизмлар улар ихтиёрида. Қурилишнинг индустрия даражаси йил сайин кўтарилмоқда, қўл меҳнати сарфи эса камаймоқда. Бинокорларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги мунтазам ошиб бораяпти.

Областимиз бунёдкорлари ана шундай ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар, миқёси йилдан-йилга ортиб бораётган капитал қурилишнинг уддасидан чиқиш учун қизғин кураш олиб боришяпти. Улар шу йилнинг ўтган ойларида юзларча миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширишди. Қатор ишлаб чиқариш қувватлари, электр узатиш линиялари, янги-янги водопровод, газ, канализация тармоқлари, қатор коммунал-хўжалик, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуриб битказилди. Минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Шу йилнинг биринчи ярмида областимиз шаҳар ва қишлоқларида умумий фойдали майдони салкам 400 минг квадрат метр бўлган турар-жойлар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, қатор мактаблар, болалар боғча ва ясслари бунёд этилди.

Областимиздаги қатор етакчи қурилиш ташкилотлари коллективлари ўзларининг анъанавий байрамларини муносиб тортиқлар билан кутиб олмоқдалар. «Главташкентстрой» Бош бошқармаси, 6, 159, 160, «Ташкентводстрой» трестлари, ўнлаб бошқармалар, механизациялашган кўчма колоналар, юзлаб бригадалар етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини муваффақиятли бажардилар.

Бу қурилиш ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақанинг кудратли яратувчилик ва тарбиявий ролидан ишинг кўзини билиб фойдаланишяпти. Бунёдкорлик ишларини комплекс инженерлик тайёргарлик планлари асосида олиб боришяпти, қурилиш технологиясини муттасил такомиллаштириб, фан-техника ютуқларини, илғор ишлаб чиқариш тажрибаси ҳамда ташаббусларни кенг оммалаштирмоқдалар, меҳнат интизомининг яхшиланишига эришиб, ишчи кучи қўнимсизлигини камайтиришяпти. Бинокорларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширишмоқда, бригада пудратини қўлланаётган коллективлар сафининг кенгайишини таъминлашяпти.

Капитал қурилишда шундай ютуқлар қатори катта-катта камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бунинг оқибатида умуман областимиз, шунингдек кўпчилик муҳим қурилишлар бўйича асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш планлари тўла бажарилмай қолди. Саноат ва қишлоқ қурилиши соҳасида жиддий қолоқликка йўл қўйиляпти. Турар-жой бинолари қурилишида капитал маблағлар жуда суст ўзлаштириляпти.

Кўпгина етакчи қурилиш трестлари ва бошқармалари коллективлари зиммаларидаги вазифанинг уддасидан чиқмаётганликлари туфайли ҳам шундай нуқсонлар содир бўляпти. Ишчи кучи ва моддий техника ресурсларини кўпдан-кўп объектларга сочиб юбориш, планисиз қурилишлар билан шуғулланиш, лойиҳачилар, бинокорлар, монтажчилар, асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари етказиб берувчилар ва бюртмачилар ўртасидаги келишмовчиликлар, ноаҳиллик, вужудга келган муаммоларни биргаликда зудлик билан ҳал қилмаслик ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Қурилишга хўжалик ҳисоби асосида ишлашни, бригада пудратини жорий қилиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Бу ва шунга ўхшаш барча нуқсонларни тезроқ бартараф этиш шу куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифасидир. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия, касаба союз ташкилотлари, хўжалик органларидан капитал қурилишдаги қолоқлик сабабларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уларнинг такрорланмаслигига эришиш талаб этилади. Ҳамма жойда бинокорлар куч-ғайратини, моддий ресурсларни ишга туширилиши планлаштирилган объектларнинг ўз вақтида сифатли барпо этилишига сафарбар этиш, қимматли иш вақтининг ҳар бир соатн, дақиқасидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришиш керак.

Қўли гул бинокорлар, сизларни бугуни байрамингиз билан қизғин қутлаймиз, олийжаноб ишларингизга катта-катта сафарлар, ўзингизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бардамлик тилаймиз! Азиз бунёдкорлар, сизнинг она-Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшаётган улушингиз янада ортаверсин, экономикамизнинг зарбдор тармоқларидан ҳисобланган капитал қурилишнинг суръати ва сифати тўхтовсиз ошаверсин.

Байрамингиз муборак бўлсин, қадрли бунёдкорлар!

60 ОКТЯБРЬ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Калинин районидаги «Бўз сув» совхози ишчилари 1 августдаёқ давлатга 1204 тонна сабзавот маҳсулотларн сотиб, йиллик планни бажарган эдилар. Сабзавоткорлар далалардаги ҳосил чўғини чамалаб кўриб, йил охиригача икки йиллик планни бажариш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар. Суратда: 1-бўлим бошқарувчиси А. Ғафуров, уруғчилик бригадаси бошлиғи Н. Набиев ва совхоз партия ташкилоти секретари А. Лешкарёвлар пиёз уруғи сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Н. Хонкелдиев фотоси.



ВАЪДАГА ВАФО

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводидан комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Тамара Копотеванинг ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди: унга «сифат аълочиси» деган фахрий ном берилди. Бунинг маъноси шуки, бутун маҳсулот — пахта терадиган машиналарнинг шинделлариии ёш ишчи биринчи кўрсатишдаёқ топширмоқда.

Т. Копотеванинг фрезер станоги устида энди қизил байроқча ҳилпираб турибди. Унинг коржомасини эса юксак маҳорати, ҳалол меҳнатининг далили бўлган беш бурчакли эмблема ясатган.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига Т. Копотева «сифат аълочиси» деган номга эришишни ўзининг шахсий мажбурияти, деб мўлжаллаб қўйган эди. Мана, ваъдага вафо қилди.

Бригада аъзоларидан яна уч киши маҳсулотга шахсий тамғаларини қўйиб меҳнат қилмоқдалар.

— Бригадамиздаги қолган 14 киши ҳам ана шундай ҳуқуққа муяссар бўлишини истайман,— дейди Тамара.

У ёшларга бунда бригада бошлиғи сифатида ҳам, ўртоқ сифатида ҳам, ёш коммунист сифатида ҳам кўмаклашишга ҳаракат қилади.

Э. ТУХФАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

МАЖБУРИЯТНИ СЎЗСИЗ БАЖАРАМИЗ

Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган областимизнинг илғор маккажўхорикорлари гектаридан 100 центнердан «қахрабо дон» етиштириш ташаббусини бошлаб бердилар. Бу ватанпарварлик ташаббуси республикамиз бўйлаб кенг қанот ёзди.

Ўнлаб маккажўхорикор бригадалар коллективлари бу ҳаракатга қўшилиб ёз бўйи фодокорона меҳнат қилдилар. Кўпчилик қатори бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам ташаббускорлар сафига қўшилдилар.

Бригадамизда 84 гектар ер бор. Ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил олсак, ялпи етиштирилган донимиз 840 тонна бўлади. Бу бригадамизда ишловчи 5 кишининг ҳар бирига 168 тоннадан тўғри келади.

Биз шу мақсадга эришиш учун ёз бўйи зарур агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширдик. Ҳар гектар майдонда 55 минг туп кўчат сақлаб қолишга эришдик. Экинни вақтида яганалаб, культивация қилдик. Етарли миқдорда озиқлантириб, суғориб турдик.

Мана, ниҳоят йиғим-терим палласи, эрта баҳордан тер тўкиб қилган меҳнатимиз самарасини тарозига қўядиган пайт ҳам етиб келди. Пишиб етилган ҳосилни йиғиб олишни бошлаб юбордик.

Ҳозир далаларимизда 4 та «Херсонец» комбайни ишлаб турибди. Биз бу йил етиштирилган ҳосилни сўтасидан тозалаб соф дон топширамиз. Дастлабки хомчўтларга қараганда ҳар гектар ердан йиғиб олинган дон 100 центнердан кам бўлмаяпти.

Ҳосилни йиғиб олишда Холмурод Эргашев, Мирзаали Мадалиев, Исақул Эргашев сингари механизатор комбайнчиларимиз астойдил меҳнат қилиб, белгиланган нормани ортиғи билан адо этмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим тадбирларини, механизаторларга иш ҳақи тўлаш тартибини ишлаб чиққан Ҳар беш кунлик иш якунланиб, илғорларга кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти бериб бориляпти.

Биз колхозимиздаги Номоз Холбоев бошлиқ маккажўхорикор бригада аъзолари билан мусобақадошмиз. Улар ҳам юз центнерчилар ҳаракатига қўшилишган. Бригада аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқиш, йиғим-теримни қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш учун астойдил интилмоқдалар. Биз ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳадемай, маккажўхори донини сўтадан ажратиб давлатга топшира бошлаймиз. Ҳозир бутун куч етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай, тезда йиғиб-териб олишга қаратилган. Трактор прицепларига маккажўхори пешма-пеш хирмонга ташиб турилибди. Бригадамиз аъзоларининг бутун куч-ғайратлари мажбуриятни муваффақиятли бажаришга қаратилган.

Эркин ЧИННИБОЕВ, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг 100 центнерчи маккажўхорикор бригадаси бошлиғи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бу ён.

Пискент	1,2	102,3
Калинин	—	101,1
Оржоникидзе	—	100,7
Оҳангарон	0,5	93,6
Бекобод	0,1	90,5
Юқори Чирчиқ	1,1	89,9
Тошкент	0,3	88,5
Ўрта Чирчиқ	1,0	86,4
Бўка	0,2	86,8
Оққўрғон	0,3	86,3
Чиноз	0,1	85,4
Янгийўл	0,2	85,4
Қуйи Чирчиқ	0,2	84,8
Бўстонлиқ	0,9	74,2
Область бўйича:	0,5	90,8

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

«Октябрь 46 йиллиги» номли ихтисослашган шоличилик совхози идорасининг пештоқига «Она-Ватанга 18 минг тонна шоли етказиб берамиз» деб ёзиб қўйилган. Бу инқилобнинг 60 йиллик тўйига совхоз шоликорлари тўёнаси.

— Ўтган йилиёқ ҳар гектар ердан 60 центнердан шоли етиштиришга аҳд қилгандик,— дейди совхоз директори Ҳаким Обидов.— Афсуски, қатор қийинчиликлар ва камчиликлар натижасида ваъдамиз бажарилмай қолди. Биз ишбилармон деҳқонларимиз, мутахассислар ва механизаторлар билан бафуржа маслаҳатлашиб уруғни аввалги йилларгагига нисбатан 15 кун илгари экадиган бўлдик. Бу йил уч минг гектар ерга ана шу муддатда экилган шоли тез ва бехато бўй кўрсатди. Экининг олди бир текисда бошоқ чиқара бошлади. Бу —яхшилик аломати, катта хирмон баракасидан нишона!

Совхоз шоликорлари олдида ўнинчи бешйиллик ялпи шоли етиштиришни 80 минг тоннага етказишдек, масъулиятли вазифа турипти. Бунинг учун етарли шарт-шароит бор. Ўтган бир йил ичида 300 гектар янги ер очилди.

Совхозда ўтган йили ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Энди улар шоли ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишга қодир. Буни 60 центнерлик маррадан ўзиб кетган Э. Мусаев, Р. Пак, А. Тўғизбоев, Я. Юн, А. Ли, В. Цойлар сингари тажрибали шоликорлар раҳбарлик қилаётган ўн бешдан ортиқ бригада коллективларининг ютуқларидан ҳам кўрса бўлади. Эндиликда улар ҳосилдорликни 65—75 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.

Хўжаликда шоли етиштириш учун меҳнат ва маблағ сарфи тобора камайиб бормоқда. Бир центнер шолининг таннархи ўтган йили 34 сўмдан 28 сўмга тушди. Даромадга яраша буромад деганларидек, ҳар бир шоликорнинг ойлик ўртача иш ҳақи 105 сўмдан 185 сўмга кўтарилди.

Шоли сув билан тирик. Шоликорлар буни жуда яхши биладилар. Шу сабабли 300 минг сўм сарфланиб совхозда янгидан иккита инженерлик гидроиншоотн қурилди. Шунингдек, совхоз территориясидаги олтита кўлнинг суви бир-бири билан қўшилди. Бу тадбирлар шу кечаю-кундузда катта наф келтиряпти. Обн ҳаёт етарли, суғориш режими бир маромда олиб борилмоқда. Ҳозир дуркун ривожланаётган шоли майсаларининг бўйи бир метрга яқинлашиб қолди.

Совхозда навбор уруғлик шоли экишга, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга катта аҳамият берилди. Серҳосил ва гуруч ҳаммага манзур УзРОС—7—13 навли шоли экилган аксарият майдонларининг ҳар квадрат метрида ҳозир 300 тупдан ортиқ кўчат санаш мумкин. Ерлар экиш олдидан яхши текисланганлиги туфайли, чеклардаги сувни бир меъёрида, бир хил қалинликда сақлашга эришилмоқда. Ҳозир Р. Мажидов, Л. Губко, Х. Зикриллаев, В. Зарвиний сингари тажрибали сувчилар кечаю-кундуз далада. С. Сатаев, В. Герасимов, М. Тошгемировлардан иборат «КА-26» вертолёти экипажи эса бегона ўтларни йўқотишда уларга ёрдам бермоқда. Авиаторлар кунига 100 гектар ерга гербицид сепишга улгурмоқдалар.

Хўжаликда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорлик ҳам, ялпи шоли етиштириш ҳам кўпайиб бормоқда. Натижада ишлаб чиқариш рентабеллиги юксалмоқда. Масалан, ўтган йили бир гектар шоли майдонидан даромад олиш аввалги йилдаги 987 сўмдан 1188 сўмга етди. Давлатга мўлжалдаги 2271 минг, ўрнига 2832 минг сўмлик маҳсулот сотилди.

— Ўтган йили соф даромад 272 минг сўмни ташкил этди,— дейди совхоз директори.— Бироқ бу натижа бизни асло қаноатлантирмайди. Шоли, беда ва маккажўхори алмашлаб экиш системасини тўла ўзлаштириш, экин майдонларининг иқтисодий жиҳатдан энг фойдали структурасини вужудга келтириш орқали биз юксак рентабелликка эришмогимиз даркор.

Э. ОТАБОЕВ, К. РАҲМОНБЕРДИЕВ, Бекобод райони.

ВИЗИТ ТУГАДИ

СССР Олий Советининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь бошчилигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Социалистик Республикаси миллат мажлисининг делегацияси 12 август куни Москвадан Софияга жўнаб кетди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРИ

ТОШКЕНТ билан қардошлашган шаҳар — Тунис делегацияси Ўзбекистон пойтахтининг ҳаёти билан танишмоқда. 12 август куни шаҳар бошлиғи Хасан Ал-Мемми Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов билан суҳбатлашди.

Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатини, шаҳар муассасалари ва ташкилотларини бориб кўрдилар. Программага мувофиқ делегация Самарқандга сафар қилади.

(ЎзТАГ).

ҚАҲР-ҒАЗАБ БИЛАН БИЛДИРИЛГАН НОРОЗИЛИК ОВОЗИ

«НЕЙТРОН бомба! Йўқотсин қанотли ракеталар!». АҚШ ҳукуматининг ядро қуроли янги турлари ва типларини ишлаб чиқара бошлаш ҳақидаги қарорига қарши мамлакатда ана шундай шиорлар остида норозилик митинглари ўтказилмоқда. Совет кишилари жаҳон жамоатчилигини қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, тинчлик ишини мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашни кучайтиришга даъват этмоқдалар.

Машинасозлик технологияси марказий илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, Улуғ Ватан урушининг ветерани З. В. Свистунова ўз сўзида нейтрон бомбанинг ишлаб чиқарилиши барча мамлакатлар ва халқлар учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Миллион-миллион кишиларни шафқатсизларча қириб юбориш режалари инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини, аввало одамнинг яшаш ҳуқуқини бузишдир.

Ленинграддаги «Светлана» бирлашмасида бўлиб ўтган митинг катнашчилари коммунистик ва ишчи партияларнинг нейтрон бомба ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги даъватини қизғин қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар.

Социалистик меҳнат қаҳрамони, ишчи Л. Г. Степаненко митингда нутқ сўзлаб, бутун тирик мавжудотни бераҳм яксон қилиш учун мўлжалланган ваҳшиёна қурол ишлаб чиқаришни тақиқлашни барча оналар номидан талаб қиламан, деди. Биз болалар уруш даҳшатларини ҳеч қачон билмасликлари учун уларни тинч осмон тагида тарбиялаб ўстиришни истаймиз.

Ленинградлаги «Скороход» бирлашмасининг ва «Ручей» фирмаси бош совхозининг механчилари Америка ҳарбийларининг ваҳшиёна режаларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирдилар.

Минскдаги ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган норозилик митингида ишчилар ва инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан иборат кўп минг кишилик митингида токарь И. П. Осипенко сўзга чиқиб бундай деди:

— Биз, совет кишилари ҳамиша қуролланиш пойгасига қарши, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашиб келдик ва курашмоқдамиз. Бизнинг тинчликка бўлган муддаомиз СССР янги Конституцияси лойиҳасида ҳам акс эттирилган.

Митингларнинг қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияларда коммунистик партия, ҳамда тинчлик учун атоқли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг тинчликсеварлар ташқи сиёсатини қизғин маъқулладилар. Улар барча халқлар тинчлиги ва бахт-саодатининг ишончли бўлган Советлар мамлакатининг қудратини ўз зарбдор меҳнатлари билан мустаҳкамлашга қатъий интилаётганликларини айтдилар.

(ТАСС).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

60 ЙИЛЛИККА— 60 ТОННА СУТ



Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг сут соғувчиси Фарида Ҳаитбоева ўз қарамоғидаги 17 бош сигирни намунали парвариш қилиб, ҳозиргача давлатга 40 тоннадан ортиқ сут топширди. Бу социалистик мажбуриятида белгиланганидан анча кўпдир.

— Мен,— дейди у,—эришилган ютуқни янада мустаҳкамлаш учун аввалги мажбуриятимни ўзгартирдим. Ҳар бир соғин сигирдан Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрамигача 3500 килограммдан сут соғиб олиш ва давлатга 60 тонна серқаймоқ сут топширишга аҳд қилдим. Сўзимнинг устидан чиқаман. Ҳозир ҳар бир сигирдан ўртача 15 килограммдан сут соғиб олмоқдаман.

И. НЕЪМАТОВ.

НАВҚИРОН ХЎЖАЛИК

УЛУҒ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, янги Конституция лойиҳасидан илҳомланган «Октябрь 46 йиллиги» совхози механизаторлари айни кунларда катта меҳнат ютуқларини қўлга киритаётирлар.

Совхоз меҳнат аҳли учун барча қулайликлар яратиб берилган. Мавжуд 400 хўжаликнинг ҳаммаси яхши жиҳозланган замонавий уйларда яшашди. Совхоз посёлкаси йилдан-йилга ободонлашиб, шаҳар кўркини олмоқда. Бу ерда битта 460 ўринли ўрта мактаб, 1 та 90 ўринли болалар боғчаси, икки каватли совхоз маъмурий бинои, 320 ўринли клуб, 10 минг нусхага яқин китоб фондига эга кутубхона, почта, ошхона, турли хил халқ эҳтиёжини қондирувчи маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазинлар механизаторлар хизматида.

Юқорида қайд этилган юксалишнинг асоси самарали меҳнат натижасидир. Ҳозирги пайтда хўжалигимиз қаторбригадаларининг бири — Ленин орденли Андрей Ли бошлиқ бригада шоликорларининг ўзи совхозимизнинг дастлабки олган ҳосилидан кўп хирмон уймоқда. Бу бригада механизаторлари юбилей йилида 272 гектар ерга барака уруғи тикдилар. Ҳар гектар ердан 75 центнердан ҳосил хирмони уйиш ва бу билан 2000 тонналик хирмон яратиш йўлида ҳаракат қилишмоқда.

Хўжалигимизда 65—75 центнерчилар ташаббуси кенг кулоч ёйган. Андрей Ли, Яков Григорьевич Юнь, Анорбой Тўғназоев, Тошпўлат Султонов, Роман Матвеевич Пак каби ўртоқлар раҳбарлигидаги бригада «олтин бошоқ» жодкорлари ҳар гектар ердан 65—75 центнердан хирмон уйишга аҳд қилганлар.

Ўтган съездлар йили совхозимиз шоликорлари 40 центнердан ҳосил етиштиришди. Механизаторларга ярим миллион сўм мукофот пули бўлиб берилди ёки ҳар бир механизаторнинг йил давомида олган меҳнат ҳақига қўшимча даромади 2—2,5 сўмни ташкил этди.

Шоликорларимизнинг аҳдлари юксак. Юбилей йилида янада мўл ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқда. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига 3060 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш эзгу мақсадларидир.

Т. НИЁЗОВ,
Янги ҳаёт қишлоқ Советининг раиси.

САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Умумий майдони 185 минг квадрат километр бўлган Сурия Арабистони 1946 йилда республика деб эълон қилинган. Қадимда пойтахт Дамашқ атрофи девор билан ўралган етти дарвозали шаҳар бўлган. Ҳозир бу Шарқ мамлакатларининг услубини сақлаган ҳолда замонавий архитектурани ўзида мужассамлаштирган, асосан енгил саноати ривожланган улкан тиримсиз шаҳар.

Дамашққа келганимизнинг эртасига ҳамсафар дўстлар жонушта қилиш учун «Фундуқун Кабирун» меҳмонхонасининг ресторанига йиғилдик.

Мен деразага яқин ўтирганим учун ташқаридаги шовқин-суронни ҳаёт кўз олдимда яққол намоён эди. Соат саккизлар атрофида бўлишига қарамай кундалик турмуш ташвишлари авжига минган. Кўча тор ва кандайдир файзсиз; йўловчилар ҳамда машиналар тиғиз. Автомобиллар сигналя қулоқни қоматга келтиради.

Нохуш бақириқ-чақириқлар орасида гоҳи-гоҳида майин нигоҳа овозда «Хубзун, хубзун, тафоддол!» деган ундовни чақириқ эшитилади.

Бирмунча муддат ўтгандан кейин биз Дамашқ кўчаларига чиқдик. Дамашқнинг машҳур бозорига кираверишдаги баланд маъмурий бино олдида қўлидаги нон солинган саватни ерга қўйганича ўтирган болага кўзим тушди. Бу бола бояги овозининг эгаси эканлигини дарров таниб олдим...

Шу пайт ҳаёлим Тошкентга кетди. Сафарга чиқмасимиздан бир ҳафта олдин Бўстонлиқдаги «Чимён» туристик базасига кетаётган эдик. Тоғлик йўл эмасми, машинамизнинг радиаторидаги сув бугланиб тугаб қолибди. Мотор қизиб кетди. Сув ахтариб тоғ ёнбағрида кўзга ташланиб турган пионер лагерига тушдик. Лагерга етиб боргач, гапнинг очиғи, жуда-жуда ёш бола бўлгим келди. Оппоқ кўйлакка қип-қизил алвон галстук тақкан пионерлар соя-салқин лагерь қучоғида ўйноқлаб, мириқиб дам олишмоқда эди.

Тошкентдаги электр аппаратлари заводи ишчи-хизматчиларининг фарзандлари бўлмиш бу ўғил-қизларда ҳеч қандай ташвиш йўқ. Улар бахтиёр болалик ғаштини сурмоқда. Бу эса фақат шу заводга ёки фақат Тошкентга эмас, балки бизнинг бепоён Советлар мамлакатимизга хос типик воқеа... Бахтиёр авлодимизнинг гулгун саодати янги Конституциямиз лойиҳасида ҳам ўз аксини топган.

Пойтахтда сув танқислигидан бўлса керак, бозор атрофларида, автобус бекатларида болалар ва ҳатто катта ёшдаги кишилар сув сотишади. Баланд-баланд замонавий бинолар кўп бўлишига қарамай шаҳарда кўкаламзор ҳиёбонлар, фавволар йўқлиги жазирама иссиқда даррев кўзга ташланади.

Тушдан кейин Сурияннинг яна бир катта, бирмунча тараққий этган Хомс шаҳрига автобусда сайр қилдик. Хомс олисда жойлашган. Асфальт Дамашқдан 155 километр йўл бўйлаб тоғли районлардан ўтиб, Ливан территориясига кириб борди. Ливан билан Сурияннинг туташ районларида Исроил босқинчиларидан қочиб ўтган фаластинлик қочоқларнинг чодирлари қатор тизилиб турарди.

—Араб дунёсида Исроил— империализмнинг асл нусхасидир, — деди Исроил ҳукуматига бўлган нафратини яширолмай шофер Маҳмуд.

Курашаётган араб халқининг истиқболи порлоқ. Чунки ҳақиқат улар томонда. Сионизм тобора емирилиб бормоқда. Қолаверса, эрксевар мамлакатларнинг араб халқига нисбатан бўлган ёрдами курашаётган Ливан халқига оламлар-олам далда беряпти.

Сурия Арабистонининг қайси бир шаҳар ёки қишлоғида бўлмайлик, одамлари озодлик, тараққиёт йўлида кураш олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик...

Абдураҳмон ҒАФФОРОВ,
Тошкент Бош универсал магазинининг ходими.

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

А. САИДОВ,
Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Жамиятимиз тараққиётининг жадал суръатлари, коммунистик қурилиш миқёсларининг ўсиб бораётганлиги экономика ва маданиятни ривожлантиришга, кишиларни тарбиялашга партия раҳбарлиги даражасини янада юксак поғонага кўтаришни, партиявий иш услуб ва методини тобора такомиллаштиришни, омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар самарадорлигини бутун чоралар билан оширишни талаб этмоқда.

Ўнинчи беш йиллик ҳар бир меҳнат коллективи олдида янги истиқболлар очмоқда. Истиқбол сари одимлаш давомида янги-янги вазифаларни ҳал этиш, учрайдиган қийинчиликларни бартараф қилиш, аниқ мақсад сари ҳаракат кўламини янада кенг қулоч ёйдириш талаб қилинади. Бу беш йилликда шаҳримиз келажак сари катта қадам ташлайди. 1980 йилга бориб саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,5—2 ҳисса ошади. Олдинги икки беш йиллик давомида ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажми шу беш йиллик давомида ўзлаштириладиган капитал маблағ ҳажмига тенг келади.

Биргина янги Ангрен ГРЭСи қурилиши учун 1980 йилгача камида 33 миллион сўмлик маблағ сарфланади. Келаси йилдан бошлаб кўмир разрезини реконструкция қилиш бошланади. Реконструкция ишлари тугагач ўн миллион тонна кўмир қазиб чиқариш имкони туғилади. Керамика комбинати реконструкциясига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Корхонада кейинги икки йил давомида катта ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади. Пировардида керамика плиталари ишлаб чиқариш уч марта кўпаяди.

Одатда перспектив планлар барча коммунистларнинг фикри ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Биз ҳар бир катта иш олдидан активлар билан маслаҳатлашишга, улар фикрини ўрганишга одатланганмиз. Шаҳримиздан ҳар ҳафтада бир марта ўтиб турган секретарлар кунида шаҳар партия комитети аппарати ходимлари секретарлар билан учрашадилар. Шу учрашув давомида улар шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифалар билан яқиндан танишадилар, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича фикр юритадилар.

Ленинча жумалиларда ҳам шаҳар партия комитети бюро аъзолари меҳнаткашлар олдида турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар билан чиқадилар, омманинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганадилар. Илмий жиҳатдан асосланган фикрлар шаҳар партия комитетининг перспектив иш планига киритилади.

План тузиш жараёни одатда қуйидан бошланади. Кўмир разрези партия комитети бу соҳада катта тажриба тўплаган. Перспектив план партком тасдиғига қўйилгунча партия группалари, цех партия ташкилотлари, умумий йиғилишларда атрофлича муҳокама қилиниб тўлдирилади. Планнинг ҳар бир пункти барча коммунистларнинг талаб ва истакларига мос тушади. Уларда коллектив фикри тўла баён этилади. Шундай реал планларни кейинчалик амалга ошириш ўнғай бўлади. Разрез коллективи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида перспектив планда қўйилган вазифаларнинг кўпчилигини муваффақиятли бажарди. Кўмир қазиб олиш планлари ой сайин ортиқ билан бажарилмоқда, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлиги ошмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш перспектив планларнинг асосини ташкил этган. Партия ташкилотлари хўжаликларнинг иқтисодий тараққиёти устида алоҳида қайғурмоқдалар. Илғорилари 10-гишт заводлари бошқармаси ишлаб чиқариш планларини муттасил бажармай келарди. Меҳнат интизоми паст, технологияси қолоқ эди.

Шаҳар партия комитети коммунистлар иштирокида мавжуд аҳволни атрофлича ўрганиб чиқди. Шундан сўнг заводни керамика комбинатига қўшиб юборишга қарор қилинди. Бу фикр юқори ташкилотларга ҳам маъқул тушди. Шаҳар партия комитети комбинат партия ташкилоти ва маъмурияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқди. Кўп ўтмай биринчи ва иккинчи технологик линиялар модернизация қилиниди, иккита автоматик ғишт тахлагич ўрнатилди, эски ускуналар тўла ремонтдан чиқарилди.

Ўйлаб қилинган иқтисодий анализ ва тузилган план асосида амалга оширилган тадбирлар туфайли корхонада иш шароити яхшиланди, маҳсулот сифати ошди, кўрсаткичлари қувончли бўлди. ГРЭС, кўмир разрезида ҳам шундай планли тадбирлар ишлаб чиқилиб бирин-кетин амалга оширилмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти амалга ошираётган тадбирларнинг ҳаммасида кўп сонли коммунистлар армияси иштирок этади. Ҳозир шаҳримизда 103 та бошланғич, 137 та цех партия ташкилотлари, 173 та партия группаси омма орасида катта ташкилий-тарбиявий, ғоявий-сиёсий ишлар олиб бораяпти. Шаҳар партия комитети перспектив план асосида ўтқазаётган тадбирларнинг ҳаммасида шу партия ташкилотлари сафига бирлашган коммунистлар иштироки сезилиб турибди.

Яқинда шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Бу Пленумда КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳар партия ташкилоти иш услуби ва методини янада такомиллаштиришга оид масала муҳокама қилинди. Пленум кун тартибига қўйилган масалани тайёрлашда шаҳар партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан 78 киши, бошланғич партия ташкилоти секретарларидан 41 киши, шаҳар партия комитети бюро аъзоларидан 6 киши иштирок этди. Умуман ўтган йилдаги пленум, актив, бюро мажлисларини тайёрлашда 9 минг киши катнашган эди. Уларнинг 40 процентдан кўпроғи оддий ишчилар бўлди.

Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари ҳам олдиндан белгиланган план асосида ўз вақтида ўтиб турибди. Уларни тайёрлашда ҳам барча коммунистлар иштирок этмоқдалар. Кўмир разрези учинчи участкаси цех партия ташкилотининг 1976 йилда бўлиб ўтган йиғилишларида 16 та муҳим масала муҳокама қилинди. Участкада оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани тайёрлашда 11 киши иштирок қилди. Муҳокамада эса 8 киши қатнашди. Қабул қилинган қарорни бажаришда 7 коммунист иштирок этди. Шундай қилиб битта масалани тайёрлаш, муҳокама қилиш ва амалга ошириш жараёнида участкадаги 28 коммунистдан 26 киши иштирок этди.

Партия ташкилотлари қабул қилаётган қарорларнинг ижроси устида биз алоҳида қайғурмоқдамиз. Пленум, актив, бюро мажлислари қарорларини амалга оширишда коммунистларнинг шахсий масъулиятини ўстириш мақсадида конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу тадбирлар планида бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг характери, бажарилиш муддати ва масъул кишилар ёзиб қўйилади.

Биз вақти-вақти билан перспектив планларнинг жойларда қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилиб турамиз. 1976 йил ва шу йилнинг ўтган даври давомида раҳбар кадрлар, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ўзлари бажараётган ишлар тўғрисида шаҳар партия комитети бюроси олдида 85 марта ҳисоб бердилар.

Ҳозир бутун эътибор КПСС XXV съезди қарорларини бажаришни таъминлаш юзасидан шаҳар партия комитети ишлаб чиққан комплекс тадбирлар планининг тўла бажарилишига қаратилган. Бу планни тузишда шаҳар партия комитетининг барча бўлимлари иштирок этган эди. План асосида шаҳар партия комитети пленумида 6 та масала, бюро мажлисида эса 58 та масала муҳокама қилинди. Пленум ва бюро қарорлари жойларда муваффақиятли бажарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида биз планга қўшимча равишда 177,3 минг тонна кўмир, 2600 тонна рангли пемент ишлаб чиқаришга, 27,2 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилишга муваффақ бўлдик. Юбилей йилида эришаётган ютукларимиз ҳам кувончли бўлаяпти. Етти ойлик топшириқ барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди, халқ хўжалигига қўшимча кўплаб маҳсулотлар етказиб берилди.

Барча меҳнат коллективлари юбилей йилини барвақт якунлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиққанлар. Цех ва участкаларда Улуғ Октябрь шарафига зарбдор ҳафталиклар давом этмоқда. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб юбилейгача планга қўшимча равишда 21 миллион киловатт электр энергияси ҳосил қилиш, 83 минг тонна кўмир қазиб чиқариш, 8 миллион дона бинокорлик ғишти, 2,5 миллион тонна цемент ва бошқа хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, коммунистларнинг актив ҳаракати билан бу юксак марралар муваффақиятли эгалланади.

СССР янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамаси қизғин давом этаётган ҳозирги кунда биз коммунистлар активлигини янада ўстириш, омма ўртасида олиб боришга эътибор қаратилган. Муҳокама давомида тушаётган таклифлар ва истаклар тўла ҳисобга олинмоқда. Улар келажакда бажариладиган катта ишларнинг дебочаси бўлмоқда.

Қишлоғимиз жамоли

Қишлоқларимиз шаҳар кўркини олмоқда. Равон ва асфальтланган кўчалар, турна қатор қишлоқ уйлари тартиб билан қурилгани учун аввалги йилларга қарағанда анча чиройлі очиб бормоқда.

Қишлоқ турмуш маданиятини юксакликка кўтаришда Янги Конституция лойиҳасидан руҳланган халқ хизматкорлари — халқ депутатлари катта роль ўйнамоқда.

Колхоз марказида қурилган «Бахт уйи» янгича маросим ва урф-одатларни ҳаётга татбиқ этишда асосий роль ўйнамоқда. Қалинин қишлоқ Советининг раиси А. Абдукаримов ва қишлоқ Советининг секретари Х. Умаров ўртоқлар янгича тўйлар ўтказиш, янги туғилганларга гувоҳнома топшириш, паспорт бериш маросимларини ўтказиш. Совет Армияси сафига кузатиш кечаларини ўтказиш ишларида ташкилотчилик қилиб, бу борада жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Барчага маълумки, бу йил меҳнаткашларга эрк берган шонли Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кенг нишонланади. Хўжалигимиз меҳнаткашлари инқилоб қўешидан бахрамавд бўлганликларини меҳнатда кўрсатмоқдалар. Айниқса, колхоз экономикасини юқори поғонага кўтариш учун ҳаракат қилаётган меҳнат аҳлимиз пахта ҳосилдорлигини ошириш, она-Ватанга 8000 тонна «оқ олтин» армуғон этиш йўлида бутун куч-ғайратларини ишга солмоқдалар. 50 центнерчилардан А. Рўзиматова, Т. Рўзиев, Х. Раззоқов, Ҳ. Мадиёров, 40 центнерчилардан Б. Абдусаломов ва қатор бошқа ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадалар ишлари мақтовга лойиқдир.

Шунинг билан бирга колхозимизда чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш учун юксак унумдорлик йўлида курашмоқдамиз. Сифат ва самарадорлик ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирамиз. Моҳир сут соғувчиларимиздан М. Алимова, А. Йўлдошева, М. Худойбердиева, М. Қурбонова, З. Эрматова ва бошқалар олти ойлик социалистик мажбуриятини муддатидан аввал ado этиб чорвачилик соҳасидаги ютуқларимизга ютуқ қўшмоқдалар.

Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ,
Бекобод район Ленин номли колхоз раиси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Бирдамлик мустаҳкамлансин!

ВЕНА. (ТАСС мухбири). Австрия демократик хотин-қизлар Иттифоқи раисининг ўринбосари М. Кройтцер ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: фашист режими Чилини жуда катта қамоқ лагерига айлантирди. Минг-минглаб кишилар суд ва терговсиз қамоққа ташланган, вахшиёна азоб-уқубатларга дучор қилинмоқда.

Пиночет тўдаси инсон ҳуқуқларини гоят кўпол равишда поймол этмоқда. Бу эса халқаро шартномалар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюцияларига мутлақо зиддир. Чилида ҳукм сураётган гоят шафқатсиз террор дунёдаги барча кишиларни қаттиқ ғазаблантирмоқда.

Ана шу жафокаш мамлакатда фашизмнинг бебошлигига қарши қаттиқ ва изчил кураш олиб бориш — демократик кучларнинг энг муҳим вазифасидир, деб таъкидлади М. Кройтцер.

Австриянинг демократик жамоатчилиги Чилидаги фашист режимининг қонли репрессияларига қарши қатъий норозилик билдиради. Австрия демократик хотин-қизлар иттифоқи БМТ Бош секретари К. Вальдхаймга телеграмма йўллаб, ҳарбий хунта жиноятларини тўхтириш учун БМТ махсус комиссиясини Чилига юборишни илтимос қилди.

И. МАСЛОВ.

САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ҚУРОЛ-ЯРОҒ

ҚОҲИРА, 11 август. (ТАСС). Қўшма Штатлар Саудия Арабистонига қурол-яроғ юборишни кўпайтиряпти. Мисрда чиқадиган ҳафталик «Ахер саа» газетасининг хабар беришича, яқин беш йил ичида жами 30 миллиард долларлик Америка қурол-яроғи сотилади. Саудия армиясини тайёрлашда қатнашадиган анчагина Америка ҳарбий мутахассислари ҳизматига тўланадиган ҳақ ҳам ана шу ҳисобга киради.

Мавжуд маълумотларга кўра, деб ёзади газета, яқинда Саудия Арабистонига жуда кўп Америка ҳарбий техникаси, шу жумладан товушдан тез учадиган 60 та «Ф-15 ИГЛ» қирувчи самолёт келтирилди. Америкалик ҳарбий экспертлар Саудия ҳуқувчиларига таълим берадилар. Шунингдек ушбу мамлакат территориясида янги ҳарбий-ҳаво базаларини яратишда қатнашадилар.

Америка—Саудия битимига биноан, деб ёзади «Ахер саа» газетаси, Вашингтон яқин келажакда Ар-Риетта энг замонавий ҳарбий-техникани, жумладан, «Хок» ракеталарининг 14 батареясини, мураккаб электрон ускуна билан жиҳозланган 500 танк, энг янги типдаги 150 реактив қирувчи самолёт ва ҳарбий транспорт самолётлари юборади.

Маълумки, кейинги вақтларда АҚШ Саудия Арабистонига қурол-яроғ етказиб беришни жадаллаштирмоқда. 114 та «Ф-5» қирувчи-бомбардимончи самолёт, «ҳаво-ҳаво» классидаги 50 та «Сайду индер» ракетаси, «ҳаво—ер юзи» классидаги 650 та «Маверик» ракетаси сотилди.

Саудия расмий кишилари буни жавобан Саудия Арабистони нефть сотишни тўхтатиш билан дўқ қилмайди ва нефть экспорт қиладиган мамлакатлар ташкилоти (опек)га аъзо бўлган кўпчилик мамлакатлар тутган позицияга зид ўлароқ нефть нархи кўтарилишига қарши чиқади, деб АҚШни ишонтирдилар.

АҚШнинг Саудия Арабистонига кўп қурол-яроғ сотиш замирида Форс кўлтиғи ва Яқин Шарқ районидаги ўз таъсирини янада кўпайтириш пайидан бўлиш мақсади турибди.



Шимолий Ирландияда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилмоқда. Суратда қуролланган ҳарбийларнинг тинч аҳолини қўпол тазйиқ остига олаётган пайти.
ТАСС фотохроникаси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● **ПРАГА.** Брнодаги «Збройовка» машинасозлик комбинатининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига йил охирига қадар планга қўшимча равишда 8,7 миллион кроналик маҳсулот ишлаб чиқаришга, 27,2 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилишга муваффақ бўлдик. Юбилей йилида эришаётган ютукларимиз ҳам кувончли бўлаяпти. Етти ойлик топшириқ барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди, халқ хўжалигига қўшимча кўплаб маҳсулотлар етказиб берилди.

Барча меҳнат коллективлари юбилей йилини барвақт якунлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиққанлар. Цех ва участкаларда Улуғ Октябрь шарафига зарбдор ҳафталиклар давом этмоқда. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб юбилейгача планга қўшимча равишда 21 миллион киловатт электр энергияси ҳосил қилиш, 83 минг тонна кўмир қазиб чиқариш, 8 миллион дона бинокорлик ғишти, 2,5 миллион тонна цемент ва бошқа хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, коммунистларнинг актив ҳаракати билан бу юксак марралар муваффақиятли эгалланади.

● **ЛОНДОН.** Ҳозирги вақтда Англияда икки миллиондан кўпроқ саводсиз бор. «Катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводхонликни ёйиш агентлиги» ташкилоти ана шу маълумотларни келтиради. Ташкилот раҳбарларининг айтишларича, маблағларнинг етишмаётганлигидан ташқари маҳаллий маъмурларнинг мамлакатда саводсизликни тугатишга кўмаклашишни истамаётганлиги шундай аҳволга сабаб бўлди.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Америка маъмурлари забастовка қатнашчиларига қарши жазо—чораларини кучайтирмоқдалар. Висконсин штатидаги Медисон шаҳрининг суди яқинда иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, икки ҳафта мобайнида муваффақиятли забастовка ўтказган муниципалитет ҳизматчиларидан 1400 кишини катта-катта пул жаримаси тўлашга ҳукм қилди. Суд стачкани уюштирган муниципалитет ҳизматчилари касаба союзи активларидан бирини ишдан бўшатиш тўғрисида корхона эгаларининг ўзбошимчалик билан қабул қилган қарорини ҳам ўз кучида қолдирди.

● **ПАНАМА.** Панама билан АҚШ Панама каналининг статуси тўғрисидаги янги шартнома хусусида принципиал жиҳатдан келишиб олдилар. Бу ерда бўлиб ўтган Панама — Америка музокаралари тугагандан кейин ҳар иккала делегациянинг раҳбарлари ана шуни журналистларга расмий маълум қилдилар.

Панама делегациясининг раҳбари Р. Эскобар Бетанкур бундай деди: республиканинг суверен ҳуқуқлари учун 13 йил мобайнида олиб борилган машаққатли курашдан кейин биз 1903 йилги бемуддат шартноманинг бекор қилинишига, АҚШ назорати остида бўлган Панама канали зонасига ўзимизнинг суверен ҳуқуқларимизни қайта тиклашга эришдик.

● **АНТАНАНАРИВУ.** Ер ислоҳотини ўтказиш, деҳқонларни кооперативларга бирлаштириш, иқтисодий тараққиёт миллий планини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш Мадагаскар янги ҳукумати фаолиятининг энг муҳим йўналишларидир. Мамлакатнинг яқинда тузилган ҳукумати биринчи мажлиси тўғрисида бу ерда эълон қилинган ҳисоботда ана шулар тўғрисида гапирилади. Мажлисда президент Д. Рацирака раислик қилди.

Мажлисда маъқулланган биринчи навбатдаги ишлар программасида мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги уқтириб ўтилади. Олий ва ўрта таълимни ислоҳ қилиш, жамоат тартибини сақлашни кучайтириш юзасидан тадбирлар кўриш ҳам мўлжалланди.

(ТАСС).

ЭРТАГА — БИНОКОРЛАР КУНИ

ҚЎЛИ ГУЛ БУНЁДКОРЛАРГА ОФАРИН!

ТОШКЕНТ КЎРКИНИ ОЧАМИЗ

«Главташкентстрой» план-экономика бошқармаси бошлиғи Қ. А. СОЛИХОВ билан суҳбат.

— Ўз сафига кўпминг кишини бирлаштирган катта, аҳил ва иноқ коллективимиз республикамиз пойтахти кўркини очишдек шарафли вазифани бажармоқда. Бу билан барча бинокорларимиз чексиз фахрланадилар. Шарқда социализм машъали хисобланган серқуёш Ўзбекистонимизнинг бу азим шаҳрини гўзаллаштириш, унинг бағрида янги-янги массивлар, кварталлар, осмонўпар хашаматли бинолар қуриш ҳар бир бинокоримиз қалбини чексиз қувончларга тўлдирмоқда.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилаётган бинокорларимиз СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ғайрат-шижоатлари янада барқ уриб кетди. Бунга жавобан янги-янги меҳнат марраларини эгаллаш, Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик юбилейини ҳар соҳада муносиб нишонлаш юзасидан социалистик мусобақани янада кенгайтириб юбордилар.

Юбилей йили бош бошқармамиз тарихида яна бир янгиликка қўл урилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Бизнинг барча қурилиш трестларимиз, саноат корхоналаримиз ҳамда автомобиль хўжаликларимиз комплекс инженерлик тайёргарлиги планлари асосида ишламоқдалар. Бундай планларни биз шу йилнинг иккинчи кварталидан бошлаб жорий эта бошладик. Унинг ижобий таъсирини эса ҳозирнинг ўзидаёқ сезиб турибмиз.

Бош бошқармамизда бу янгиликни жорий қилиш ишлаб чиқариш кўрсаткичларини анча яхшилашга олиб келди. Шунинг учун ҳам эртага нишонланадиган ўз байрамимизни муносиб тортиқлар билан кутиб олаяпмиз. Буни ўтган етти ойдаги фаолиятимиз натижаларидан ҳам кўриш бўлади. Шу даврга мўлжалланган топшириқ бош пудрат бўйича ҳам, ўз кучларимиз бўйича ҳам муваффақиятли адо этилди. Қувончлиси шундаки, илгари доим қолоқ бўлиб келаётган жуда кўп бошқармалар комплекс планлар жорий қилингач кескин камайди.

Ҳозирги вақтда барча қурилишларимизда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида бошланган оммавий мусобақа тобора авж олаяпти. Шу йилнинг иккинчи кварталида мусобақа якунларини аниқлашда бизнинг бўлинмаларимиз томонидан комплекс план талабларининг қандай бажарилаётганлиги ҳам ҳисобга олинди. Байрамимиз арафасида бош бошқарма коллегияси ва Қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи республика комитети мусобақа натижаларини якунладилар ва 159-қурилиш трестини энг яхши бўлинма деб белгиладилар. Ҳақиқатан ҳам трест коллективи иккинчи кварталда самарали ишлади. Планни барча муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича шараф билан бажарди. Пешқадам трестимиз коллективи шу йилнинг ўтган биринчи ярмида 26 объектни, 31391 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширди. Хўжаликни оқилона юритиш натижасида 202 тонна цемент, 23 тонна металл ва 107 квадрат метр ёғоч-тахта тежаб қолинди. Илғор коллективга бош бошқармамиз ва тармоқ касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 20 минг сўм биринчи даражали пул мукофоти берилди.

«Ташинжстрой», «Строймеханизация» трестлари, уйсозлик комбинати, биринчи ёғочсозлик заводи, транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси ва қатор бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналаримиз коллективлари ўзларининг касб байрамларини муносиб кутиб олмоқдалар. В. Шикин, Р. Солиҳов, Н. Хакимзянов, В. Димов, Н. Бойбеков, В. Рахмеев, А. Мамедов ўртоқлар бошлиқ ва бошқа қатор бригадалар ҳам мусобақа ғолиблари бўлишди.

Коллективимиз меҳнати билан шу йилнинг ўтган вақтида Тошкентда қатор янги биноларни ва иншоотлар қад кўтарди. СССР янги Конституцияси лойиҳасида «СССР фуқаролари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар» деб айтилган. Коммунистик партия меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган социал иқтисодий тадбирлар комплексини қатъийлик билан амалга оширмоқда. Буни пойтахтимиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Фақатгина юбилей йилида шаҳарда ободонлашган 722 минг квадрат метр уй-жой қурилади ва фойдаланишга топширилади. Бу турар-жойларнинг 302 минг квадрат метри тошкентликлар ихтиёрига топширилди. Август ойида анча турар-жойлар қуриб битказилади. Яқин вақт ичида Тошкентда уй-жой қурилиши ортиб боради ва ҳар йили 1 миллион квадрат метрга етказилади.

Шу муносабат билан яна бир йирик панелли уйсозлик заводи қуриш эҳтиёжи туғилди. Бу корхона ҳар йили 140 минг квадрат метр уй-жой тайёрлаб беради. У асосан комплект тўққиз қаватли уйлар чиқаради. Бу уйларнинг конструктив ва план ечимлари анча яхшиланади. Жумладан, йирик ҳажмли енгил конструкциялар, санитария техника блоклари, лифт шахтаси қурилмалари анча такомиллашган бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда уй-жой қурилишида сезиларли сифат ўзгаришлари бўлди. Шаҳарда турар-жойлар, хизмат кўрсатиш объектлари билан комплекс равишда барпо этилмоқда. Биз янги районлар уй-жойларини комплекс қуриш ва унинг сифатини яхшилашга бундан буён ҳам катта эътибор берамиз. Шу ерда бир таққослашни келтириб ўтмоқчиман. Ў бинокорларимиз меҳнати натижаси нақадар салмоқли эканлигини яққол кўрсатади. Ҳозирги вақтда шаҳарда 15 миллион квадрат метрдан ортиқ сатҳли уй-жой фонди бор. Бинокорларимиз биргина тўққизинчи беш йилликда ўз қўлами жиҳатидан Андижон ёки Наманган каби область марказларига тенг келадиган шаҳарни барпо этдилар. Ўнинчи беш йилликда эса бундан кам уй қурилмайди.

Яна бир қувончли мисол келтирмоқчиман. Бош бошқармамиз фаолиятида биринчи марта 4632 ўқувчи ўринга эга бўлган 4 та мактаб комплекси янги ўқув йили бошланишидан анча илгари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 1820 ўринли болалар боғчаси қурилди. Ҳар куни 500 беморни қабул қилувчи поликлиника хизмат кўрсата бошлади.

Бу йил Янги Ўзбекистон кўчасида матлубот кооперациясининг жуда улкан осмонўпар биноси қурилиши тугалланди. Унинг хоналари ҳажми 424 минг квадрат метрни ташкил этади. «Юнусобод» массивида Тошкентда биринчи марта 1040 квадрат метр ҳажмдаги савдо заллари бўлган йирик универсал фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш комплекс бинолари қурилиши тугалланди. Ўрта Осиё геодезия институтининг морфология корпуси, «Гипропромсельстрой» институтининг ишлаб чиқариш биноси ишга тушиш арафасида турибди. Аҳвол бўйида суд уйи қад кўтарди.

Байрамимиз арафасида етти ойлик ишимиз натижаларига якун ясаб, айни вақтда биз истиқболимиз ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Тошкентнинг яқин келажаги янада порлоқдир. Бу ерда йирик-йирик бинолар барпо этилиши назарда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда «Висотстрой» трести коллективи қатор улкан объектлар — Халқлар дўстлиги майдонида кинконцерт зали, И. Охунбобоев номли майдонда йигирма қаватли «Москва» меҳмонхонаси, Навоий проспектида Навоий номли республика кутубхонасининг осмонўпар биносини барпо этиш билан шуғулланмоқда. Аҳвол бўйида Максим Горький номли республика рус драма театрининг янги биноси қад кўтармоқда. Фурқат кўчасида қурилаётган пионерлар саройининг комплекс биноларини ҳам йирик объектлар қаторига қўшиш мумкин.

Бош бошқармамиз, унинг саноат корхоналари метрополитен қурилишида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Биз ўзимизнинг интернационал бурчимизни бажараётганлигимиз билан чексиз ғурурланамиз. Ҳозирги вақтда Фарғонада жами 11,5 минг квадрат метр сатҳли учта уй-жой биноси, Совет Молдавиясининг пойтахти Кишинёвда тўққиз қаватли битта уй қўяпмиз. Бухоро, Бекобод, Нукус шаҳарларида ҳам қурилиш ишларига кўмаклашаяпмиз. Коллективимиз қўли билан қад кўтарган турар-жой биноларини Тбилиси, Маҳачқалада ҳам учратиш мумкин.

Тошкентимизнинг ажойиб истиқболи бинокорларимиз ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Коллективимиз республикамиз пойтахтининг янада гўзал ва кўркам бўлиши учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиладилар, ўзларининг бутун билими, маҳорати ва тажрибасини аямай сарфлайдилар.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Ўтган биринчи ярим йилликда давлат капитал маблағлари ҳамда жамоат ташкилотлари, уй қуриш кооперативлари ва колхозлар маблағлари ҳисобига 374,3 минг квадрат метр сатҳли, шу жумладан республикамиз пойтахтида 276,6 минг квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

* * *

● Область шаҳарлари ва районларида 9900 ўқувчига мўлжалланган мактаблар ва 2050 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилди.

* * *

● Юбилей йилининг ўтган ойларида қишлоқ хўжалигида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1693 гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 1904 гектар майдон капитал текисланди, 2368 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 1802 гектар ер суғориш тармоқларини сув билан таъминлаш яхшиланди.

* * *

● Биринчи ярим йилликда салкам 16 минг квартира газлаштирилди.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

160-қурилиш трести областларимизнинг етакчи бинокорлик ташкилотларидан ҳисобланади. Ўз сафига турли миллатга мансуб юзлаб бунёдкорларни бирлаштирган трестнинг меҳнатсевар коллективи давлат планларини бажаришда яхши натижаларга эришмоқда. Улар йил бошидан социалистик мусобақани авж олдириш, қурилишни пухта ташкил этиш туфайли ўз байрамларини муносиб нишонлашмоқда.

Бинокорлар пудрат ишлари умумий ҳажми бўйича етти ойлик планни 101 процент қилиб адо этдилар, ўз кучлари билан бажарган иш миқёси эса белгиланганидан уч процент ортиқ бўлди. Коллектив ютуқларига новатор бинокорлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг ижодий изланишлари ва қимматли таклифлари билан қурилиш сурътини ва сифатини оширишга ёрдам беришяпти. Тинмай-тинчимаслар ҳозиргача 43 та таклиф билан чиқишди. Уларнинг 34 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган 26 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи бераётган самара ҳисоблаб чиқилди. Ў 150 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

М. МАҲМУДОВ.

БУНЁДКОРЛИК СЕВИНЧИ

Бунёдкорлик бахти... Ана шу икки сўз остида олам-олам мазмун, олам-олам маъно бор. Ҳақиқатан ҳам бунёдкорликдек олийжаноб, олийҳиммат касб бўлмаса керак. Бу ҳунарни ўз меҳнати, ҳаётининг мазмуни қилиб олган кишилар бекиёс бахтлидирлар. Уларнинг қадами етган жой боғу-бўстонга айланади, қадоқ қўллари осмонўпар биноларни бунёд этади, қалб қўри, меҳнат шижоати билан қурилган уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар асрлар оша инсон фаровонлиги хизматида бўлади.

Шунинг учун ҳам бинокорлар бизда ниҳоят даражада ардоқланади ва эъзозланади. Улар ўзларининг машаққатли, лекин шарафли ишлари билан шаҳарларнигина эмас, қишлоқларимизнинг жамолини ҳам очишяпти, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги ортишига, яшаш шароити яхшиланишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Эндиликда областимизда бирор колхоз ёки совхоз йўқки, унда бинокорлар яратувчилик иши билан шуғулланишмаётган бўлсин. Қишлоқ қурилиши индустрияси даражаси ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқларда ҳам турли-туман объектлар йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, йирик панеллардан барпо этиляпти. Бу қурилиш ишлари суръатини жадаллаштириш қаторй сифатни яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга олиб келаяпти.

Бу ишга бизнинг коллективимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Корхонамиз ишчи-хизматчилари қўлидан чиқаётган панеллардан Қуйи Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозларда тобора кўпроқ бинолар йиғилмоқда. Қатор чорва комплекслари, айниқса, гўшт-сут етиштиришга мўлжалланган ва саноат ишлаб чиқаришига асосланган фабрикалар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектлари қад кўтармоқда. Бу коллективимизга чексиз қувонч бахш этяпти. Чунки, ишчи-хизматчиларимиз ана шундай олийжаноб вазифани бажаришда иштирок этаётганликлари, бинокорларга яқиндан ёрдам бераётганликлари билан чексиз фахрланадилар.

Ҳар йили корхонамизда минглаб кубометр турли-туман темир-бетон конструкциялари ва деталлари, йирик панеллар ишлаб чиқариляпти. Улар асосан колхоз ва совхозларда янги бинолар қурилишида фойдаланилмоқда. Эртага нишонланадиган байрамни мамлакатимиз бунёдкорлари каби муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаяпмиз. Қишлоқ қурилишларига материаллар етказиб бериш етти ойлик планини муддатидан илгари адо этдик.

Шу ўринда мен бинокорлар меҳнат самарасидан ҳаммамиз ҳам фойдаланаётганлигимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ана шу касб эгалари комбинатимиз ёнида мўъжазгина ишчилар шаҳарчаси бунёд этишди. Бу ердан бизнинг оиламизга ҳам уй беришди. Унинг учта хонаси бор. Квартирада маданий истиқомат қилиш учун барча шароитлар яратилган. Биз фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Шунинг учун ҳам қўли гул бинокорларни байрамлари билан қизғин табриклар эканмиз, уларга қўлингиз дард кўрмасин, дейимиз.

Т. БОБОҚУЛОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги 3-қишлоқ қурилиш комбинати техниги.

ТОШКЕНТЛИКЛАР Улуғ Октябрь байрами кунларида ерости поездларидан фойдалана бошлайдилар. Соатига 80—90 километр тезликда қатнайдиган метро поездлари пойтахтимиз аҳолиси учун ҳақиқатан ҳам катта совға бўлади.

Айни кунларда ерости йўлларида энг сўнгги ишлар ниҳоясига етказилаяпти. Жумладан, айрим станцияларни бирлаштирадиган пўлат излар ётқизиш давом этмоқда, баъзи станцияларда эса пардоз ишлари амалга оширилаяпти. Бунинг учун республикамиз ва Иттифоқимизнинг энг моҳир рассомлари, ўймакорлари жалб этилган. Улар ҳар бир станциянинг номига монанд равишда безаклар беришмоқда, суратлар чизишяпти. Бир сўз билан айтганда, метрополитен хизматидан фойдаланадиган йўловчилар бу станцияларда эстетик завқ ҳам олишади.

Суратларда: пешқадам метрочилар Пётр Базин ва Димитрий Комаров пўлат изларини ётқизишда смена топшириқларини 1,5 баробарга етказиб адо этишяпти. Николай Педяш ётқизилган темирйўл сифатини кўздан кечирмоқда.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ДЎСТЛАР МАДАДИ

ЎЗБЕКИСТОН — РСФСРНИНГ НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАСИГА

Бундан бир йил муқаддам беполён Россиянинг ноқоратупроқ ўлкалари, хусусан Иваново ва Новгород областларида ўзбекистонлик йигит ва қизларнинг шўх қаҳқаҳаси янграй бошлаган эди. Партия ва ҳукуматимизнинг РСФСР ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш чақириғига республикамизнинг комсомол-ёшлари биринчилар қаторн лаббай деб жавоб беришди. Иккала областнинг қатор районларида ўзбекистонлик ёш мелиораторлар ва қурувчилардан ташкил топган бригадалар актив фаолият кўрсата бошлади.

Орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Лекин ана шу қисқа давр ичида Иваново ҳамда Новгород областларида ўзбекистонлик мададкорлар томонидан жуда катта ҳажмда бунёдкорлик ҳамда мелиорация ишлари амалга оширилди. Новгород областида қатор турар-жой биколари фойдаланишга топширилди ва бу биноларда областнинг захкаш, камунум ерларини серунум ҳосил майдонларига айлантираётган мелиораторлар ҳамда бунёдкорлар истиқомат қилишмоқда. Бу ерлар асрлар давомида зах ва ботқоқдан иборат бўлиб, ҳеч қандай самара бермаган ёки экин экилган майдонларда ҳам ҳосил ниҳоятда кам бўлган. Эндиликда мана шу зах ва ботқоқ жойларнинг суви қочирилиб унумдорлиги оширилмоқда. Бу ишларда эса Ўзбекистон тажрибаси, хусусан Мирзачўлни ўзлаштириш тажрибаси қўл келмоқда. Шу жиҳатдан ноқоратупроқ ерлардаги ўзбекистонлик мададкорларни ҳам чўлқуварлар дейиш мумкин. Фарқи шундаки, Мирзачўлга чўлқуварлар сув келтиришган, бу жойларда эса ерларнинг суви қочириляпти. Бунинг учун ариқ-зовурлар кавланиб, уларга дренаж — қувурлар ётқизилмоқда. Маълум масофаларда ётқизилган мана шу дренажлар ерости сувларини ўзига «чақириб» олади ва шу тариқа ерларнинг захи қуритилади.

Айни кунларда Новгород областининг ноқоратупроқ зонаси ўзбек йигит-қизлари билан янада гавжумлашиб кетган. Ҳозир бу ерда олий ўқув юртларининг юзлаб студентлари ўзларининг меҳнат семестрларини ўтказишмоқда. Биз В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети роман-герман филологияси факультетининг студентлари ҳам бу улкан тарихий ишда қатнашаётганлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу фахр туйғуси ўз навбатида зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мана шу масъулиятни ҳис этган «Прометей-77» студент зарбдор қурилиши отрядининг 51 кишидан иборат коллективи ўзларига топширилган ҳар бир ишни сидқидилдан адо этмоқдалар. Биз айни кунларда зах ва ботқоқ майдонларга зовур қазиб, қувур ётқизиш ишларини амалга оширяпмиз. Отрядимиз аъзолари Новгород областининг Новгород районидаги Ленин номли совхозда ишлаяпти. Бу ерда 1000 гектар ер ўзлаштирилиши керак. Ҳозирги кунда 200 гектар ер ўзлаштирилиб, ундан ҳосил олинмоқда. Ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.


Отряд командири Нозим Алиев.— Бироқ, Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига муносиб тортиқ қилиш учун 20 минг сўмлик қўшимча иш бажариш мажбуриятини олганмиз. Мана, ўзингиз кўриб тургандек ҳозирги ишларимиз зиммага олинган мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишидан далолат бериб турибди.

Бу жами 1015 гектар майдонда мелиорация ишларини бажариш деган гап дир. Ҳозирга келиб 500 гектардан ортиқ захкаш ер экин экиш учун тахт қилиб қўйилди.

— Ўзбекистонлик студентларнинг ишидан ниҳоятда хурсандмиз,— дейди кўчма механизациялашган колонна партия ташкилотининг секретари Николай Мариничев.— Раҳмат, сизга азизлар...

Мелиоратор ва қурувчи студентлардан Бектош Хўжаев, Сайфулла Қоратоев, Матлуба Қамбарова, Шарифа Каримовалар кундик топшириқларини бир ярим — икки бараварга етказиб адо этишяпти.

Тўйчи ДЎСМАТОВ,
ТошДУ студенти, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири. Новгород область Старая Русса райони.



СУРАТДА: Ғазалкент шаҳридаги Ҳурмат тахтаси. Шу йилнинг иккинчи кварталида очилган бу Ҳурмат тахтасига Бўстонлиқ районининг 60 дан ортиқ меҳнат ветеранлари, колхоз ва совхозлар ҳамда саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларида зарбдор меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш илғорларининг суратлари қўйилган.

И. Портнов фотоси.

БУГУН БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ


„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

СПОРТ КЛУБИ

САҲИФАСИ № 29

Ўзбекистон гимнастикачиларининг устози СССРда хизмат кўрсатган тренер Р. Г. Саркисов республикамизда юксак маҳоратли спортчилар тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда. Суратда: Р. Г. Саркисов ўз шогирдлари орасида.

Р. Содиқов фотоси.



ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

ЯНГИ РЕКОРДЛАР САРИ

Шаҳримиз физкультурачилари ўз байрамларини яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Турли корхона, муассаса ва ҳунар-техника билим юртлари бу байрамга муносиб совға тайёрлаганлар. Шундай корхоналардан бири В. И. Ленин номидаги Ленин орденли кон-металлургия комбинатидир.

Комбинат ишчилари меҳнатда катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Аммо бу муваффақиятларни дам олишни тўғри уюштирмай, физкультура ва спорт машқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, булар меҳнат унумдорлигини оширишдаги бош омиллардан бири. Металлургларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Корхонада замонавий талабларга жавоб берувчи стадион, сузиш хавзалари, волейбол ва баскетбол майдончалари, спорт зали металлурглар ихтиёрига топширилган. Янги спорт комплекси қурилиши ҳам тез орада ниҳоясига етказилади.

Имкониятларни ишлаш, барча резервларни ишга солиш физкультура ва спортчилар олдидаги бош масала бўлиб қолди. Тренерлар ва спортчилар бу борада катта ишлар қилишди. Улар Улуғ Октябрь 60 йиллигини катта спорт муваффақиятлари билан қарши олишмоқда. Комбинатда йил бошидан бери бир спорт мастери, 43 мастерликка номзод ва I разрядли, 219 оммавий разрядли ва 107 ўсмирлар разрядига эга спортчи тайёрланди. 540 киши ГТО нишондори бўлди. Физкультурачилар сони 5002 кишига, кўнгилли спорт жамияти аъзолари миқдори эса 5500 кишига етди.

Комбинат спорт базаси сезиларли даражада мустаҳкамланмоқда. Жамоатчи физкультура кадрлари тайёрланди, 92 киши ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланишга жалб этилди.

Ҳар йили ўтказиладиган меҳнат ва спорт эстафетаси металлурглар ўртасида айниқса оммалашиб кетди. Бунда меҳнат ва спортда яхши кўрсаткичларга эришган бўлинмагина ғалаба қилади. Бундай тадбир фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, балки спортда ҳам резервларни топиш ва уларни ишга солишда ёрдам беради. Ҳозир корхона коллективи спорт клуби номини олиш учун барча тадбирларни кўрмоқда.

126-ҳунар техника билим юртида олиб борилаётган ишлар ҳам қувонарлидир. Ярим йил мобайнида 11 биринчи разрядли, 610 оммавий разрядли спортчи тайёрланди, 600 киши ГТО нишондорлари армиясини ташкил этди. Физкультурачилар сони 730 кишига, кун тартибида гимнастика билан шуғулланувчилар сони 1191 кишига етди.

Билим юртида спорт кадрларини тайёрлаш айниқса яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача 95 киши жамоатчи инструктор ва тренер, 20 киши ГТО инструктори ва 115 киши спорт судьяси номини олишга муяссар бўлдилар. Коллектив спорт базалари ҳам талабга тўла жавоб бера олади. Олмаликда бундай коллективлар жуда кўп, аммо уларнинг ҳаммасига батафсил тўхталиб ўтиш қийин. Фикримизнинг далилий сифатида қуйидаги рақамларни келтирамиз. Ярим йилда Олмалиқ шаҳри бўйича тайёрланган физкультурачилар 12619 кишини, спорт мастерлари уч киши ва спорт мастерлигига номзодлар 20 кишини ташкил этди. 6236 киши ГТО нишондори бўлди, 92 киши биринчи разряд, 710 киши оммавий разряд ва 4092 киши ўсмирлар разряди нормативларини бажардилар. 599 жамоатчи спорт кадрлари, 57 ГТО инструктори ва 690 спорт судьяси етиштирилди.

Физкультура ва спортни оммалаштиришга партия ва ҳукуматимиз катта эътибор бермоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Келгуси авлод коммунистик жамият қурувчиси фақатгина гоявий етук бўлибгина қолмай, балки жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнат унумдорлигини оширишга, социалистик Ватанимиз мудофаасига тайёр туриши керак. Бу борада физкультура ва спорт муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун шаҳримиз физкультура ташкилотлари янги-янги чўққиларни кўзламоқдалар.

Л. ТЕРТЕРЯН,
Олмалиқ шаҳар физкультура ва спорт комитетининг раиси.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

Тун ним қора чодирини аста тортиб олабошлади. Боягина қоп-қора бўлиб кўринган тераклар қаддини тиклаб олаётгандек кўринади.

Зуҳра спорт формасини апил-тапил кийиб, кўчага отилиб чиқди-ю, стадион то мон югуриб кетди. Спорт майдонига етиб келганида бир неча киши машқларни бошлаб юборган эди.

Юкори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида хар тонг шундай бошланади. Нигит-қизлар қўшнинг илк нурларини спорт майдончаларида кутиб олишади.

Зуҳра Мирзахонова хўжаликда биринчилар қаторида янги ГТО комплекси нормативини бажарганлардан. У район мусобақаларида юқори кўрсаткичларга эришгач, Тошкент области бўйича ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашди ва область терма командасига аъзо бўлиш шарафига муяссар бўлди. Шу-шу у спорт билан дўстлашиб қолди.

Шу йилнинг июнь ойида область соврини учун енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда баландликка сакраш бўйича биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Зуҳра Мирзахонова ҳозир область терма командаси сафида навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Зуҳра ишлаб чиқаришда ҳам энг илғорлардан ҳисобланади. У СССР Олий Советининг депутати Кан Анатолий бошлик бригаданинг аъзоси, 9-бригада аҳли Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида ҳар гектар ердан 60 центнердан осириб ҳосил олишга азму-қарор қилишган.

Хўжаликда Зуҳра Мирзахонова каби ишда пешқадам спорт ишқибозлари кўп. Унинг дугонаси Ҳафиза Зокирова ҳам ГТО кўпкураши бўйича область терма командасининг аъзоси. У 1-бригаданинг илғорларидан.

«Правда» колхозида физкультура ва спорт ишқибозлари жуда кўп. Ҳозир хўжаликда ўнга яқин секциялар ишлаб турипти. 1250 физкультурачи бўлиб, шундан 1050 киши Пахтакор кўнгилли қишлоқ спорт жамиятининг аъзоси. Айниқса, енгил атлетика, футбол, волейбол, оғир атлетика, бокс, стол тенниси, шахмат-шашка тўгаракларининг вакиллари катта давраларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Хўжаликда 6 киши спорт мастерлигига номзод, 25 спортчининг 1 разряд, 400 дан ортиқ йигит-қизнинг II-III — разряд нормативларини бажарганлигининг ўзи колхозда спорт ишининг намунали ташкил этилганлигини исботлаб турипти. Коллектив ГТО кўпкураши бўйича команда ҳисобида район чемпионидир. Шунингдек, колхоз мерганлари районнинг уч карра ғолиблари ҳисобланишади. Улар футбол, волейбол турлари бўйича область совриндоридирлар. Стол тенниси, шахмат шашкачиларнинг довруғи эса республикамиздан ташқарида ҳам маълум. Бу икки тур ҳисобида «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти республика ғолиби ҳисобланишади. Стол теннисчиларидан мастерликка номзод Сон Зоя, Ким Анастасия ва Эм Юриялар СССР биринчилигининг иштирокчиларидир. Пак Галина, Негай Анатолий, Ким Алексей каби шашкачилар ҳам катта давраларда «Пахтакор» жамиятининг шарафини оқламоқдалар.

— Шу йилнинг ўзида, — дейди колхоз комсомол комитетининг секретари Ли Анатолий, — уч киши биринчи разряд нормасини, 150 физкультурачи эса оммавий разряд нормаларини бажарди. Хўжалигимиз правлениеси ва партия ташкилоти ёшларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиб беришмоқда. Шу йилнинг ўзида спорт инвентарлари учун 5 минг сўм пул ажратилди.

Ҳақиқатан бу колхозда физкультура ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилган. Хўжаликда 3 футбол майдони, 20 дан ортиқ волейбол, 5 та баскетбол, 8 та спорт зали, тир, ГТО нормаларини топшириш учун ҳовуз бор. Жамоатчи спорт тренерлари ёшларнинг маҳоратларини оширишларига якиндан ёрдам бермоқдалар. Шу кунларда комсомол ташкилоти ҳар бир бригада далада шийпонида волейбол майдончасини ташкил этмоқда.

«Правда» колхози коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун оширилган социалистик мажбурият олиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта, 220 центнер қанов, 110 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириш учун социалистик мусобақани қизитиб боришяпти. Ана шу умумхалқ курашида колхоз физкультурачилари ҳам олдинги сафларда бормоқдалар.

П. БЎЛАТОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● Испанияда бўлиб ўтган анъанавий халқаро турнирда «Динамо» (Киев) футболчилари финалда майдон эгаларининг «Атлетик» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйдилар ва иккинчи ўринни олдилар. Москвани нг «Спартак» командаси эса Италияда Римнинг «Лацио» командаси билан ўртоқлик матчида 3:1 ҳисобида устун келди.

● Баскетбол бўйича мамлакатимиз терма командаси Италияда бўлиб ўтган халқаро турнирда ғолиб чиқиб, Монделло кубогини қўлга киритди. Полярмо шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда совет баскетболчилари юксак маҳорат кўрсатдилар. Сўнгги ҳал қилувчи учрашувда вакилларимиз Чехословакия терма командаси устидан 83:80 ҳисобида ғалаба қозондилар.

● Совет хоккейчилари янги мавсумни бошлаб юборишди. Москванинг ЦСКА командаси ГФРда бўлиб ўтаётган халқаро турнирда иштирок этмоқда. Москвaликлар дастлабки икки учрашувни ўтказиб, ғалабага эришдилар. Улар Польша терма командасини 7:1, Ғарбий Германиянинг «Фюссен» клубини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Физкультура ва спорт совет кишилари ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Йирик саноат корхоналаридаги ҳар бир кун ишлаб чиқариш гимнастикаси билан бошланади, байрамларимизни ҳам эндиликда физкультура ва спортсиз тасаввур қилиш қийин. Суратда: совет спортчиларининг стадиондаги байрам чиқишлари.



ОБЛАСТИМИЗ СТАДИОНЛАРИДА

Эртага бутун мамлакатимиз физкультурачилар байрамини нишонлайди. Областимиз физкультура коллективлари ҳам ёшлик, бардамлик байрамига тайёргарлик кўрдилар.

Барча район ва шаҳарларда физкультурачилар куни кенг нишонланади. Физкультурачи ва спортчилар бу йил байрамни Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олган ҳолда, СССР янги Конституцияси лойиҳасини яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олмоқдалар.

Эртага областимиздаги спорт базалари янада гавжум бўлади. Жумладан, Тўйтепадаги стадионда катта спорт байрами ўтказилади. Тантанали очилиш парадидан сўнг майдонга ГТО кўпкурашчилари чиқадилар, велосипедчиларнинг мусобақалари ўтказилади.

Оққўрғон район физкультура коллективлари эса байрамга махсус программа бўйича тайёргарлик кўрдилар. Районда спортнинг саккиз тури бўйича «Қани, йигитлар» конкурси ўтказилади. Оржоникидзе районида «Правда» ва «Октябрь» колхозлари командалари ўртасида футбол бўйича район кубоги учун финал учрашуви бўлиб ўтади. Бундан ташқари, энг кучли спортчилар енгил атлетика, велосипед пойгаси мусобақаларида иштирок этадилар.

Пискентлик полвонлар Бутуниттифоқ физкультурачилар кунини нишонлашга алоҳида ҳозирлик кўришган. Райондаги спорт базаларида оммавий мусобақалар, курашчиларнинг беллашувлари бўлиб ўтади. Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Тошкент районларида ҳам физкультурачилар куни ана шундай кенг нишонланади.

Химиклар шаҳри Чирчиқ физкультурачи ва спортчилар шаҳриҳамдир. Бу ердаги саноат корхоналарининг физкультура коллективлари, спорт клублари шонли 60 йиллик юбилейга катта ютуқлар билан келишмоқда. Эртага бўладиган байрам мусобақаларида ҳам улар актив иштирок этадилар. «Сплав» спорт клубида спорт байрами бўлади. Шаҳар паркларида эса етакчи спортчиларнинг намунали мусобақалари ўтказилади. Кинотеатрларда спорт мавзуидаги фильмлар намойиш қилинади.

Олмаликдаги Маяковский номли маданият ва истироҳат боғи ҳам қизиқарли мусобақалар майдонига айланади. Бу ерда полвонлар, штангачилар, боксчилар уз маҳоратларини кўрсатадилар. Кон-металлургия комбинати стадионида ветеранлар ва ёшлар ўртасида футбол матчи ўтказилади. Шаҳар халқа йўлида эса катта велопойга бўлади.

Областимизнинг бошқа район ва шаҳарларида ҳам Бутуниттифоқ физкультурачилар куни кенг нишонланади. Мусобақалар, учрашувлар бўлиб ўтади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977 — 78 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 1962 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН, УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СИНФИНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. УЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГРУППАЛАРДА УЗ УҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БИЛАН БИРГА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИЛАР (бокс, енгил атлетика, велоспорт, кураш).

Ўқувчилар ўрта маълумот олиш билан бирга қуйидаги касбларни эгаллаб чиқадилар: ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИК ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА УҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТАЖРИБАЛИ ТРЕНЕРЛАР РАҲБАРЛИГИДА ЎЗИ ТАНЛАГАН СПОРТ ТУРИ БЎЙИЧА УЗ МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

Конкурсга бирон бир спорт тури бўйича спорт тайёргарлигига эга бўлган ёшлар қўйилади: БОКС — 1 ўсмирлар разряди, КУРАШ — 2—1 ўсмирлар разряди, ВЕЛОСПОРТ — 1 ўсмирлар разряди, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА — 1 ўсмирлар разряди.

КОНКУРСДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ УТГАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР ВА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, СПОРТ ФОРМАСИ ВА ИНВЕНТАРЛАР БИЛАН ТАЪМИН ЭТИЛАДИ. Энг яхши спорт базаларида машқ қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқувчилар ўрта ҳунар-техника билим юртлари форма кийимлари билан таъминланадилар.

СПОРТ ИХТИСОСИ БЎЙИЧА СИНОВ НОРМАТИВЛАРИ 16 АВГУСТДАН 19 АВГУСТГАЧА ТОПШИРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слони кўчаси (26, 23, 15, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси», 21, 8, 48, 80 «Э»-автобусларнинг «Козонхона» бекатлари).

Ўзбекистон ССР министрлар Совети
Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ «ТАШТЕКСТИЛМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
87-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНДИ: токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, газ-электр пайвандчилар, операторлар, дурадгорлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ВА ТЕХНИКУМ БОР.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга ўрганган мутахассислиги ва ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган ариза қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти ҳақида гувоҳнома мактабдан характеристика, медицина справкаси, (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-23, 53-95-21, 53-95-26.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Қизил шапочка» (операдан парчалар). 10.50 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 11.00 — Ота-оналар — сизлар учун. 11.30 — «Тонгги почта». 12.00 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.30 — Адабий ўқиш. 13.00 — «Здоровье». 13.30 — Музикали абонемент. 15.20 — Спортлото. 15.30 — Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 15.40 — Ҳужжатли фильм. 16.40 — Ҳайвонот оламида. 17.40 — «Ҳамдўстлик». 18.10 — Мультфильм. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.20 — «Севги ҳаробазорларида» (бадиий фильм). 21.00 — Футбол. СССР кубоги учун финал. «Торпедо» — «Динамо» (М) 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол (2-тайм). 23.15 — Мультфильмлар. 23.45 — Концерт. 00.30 — Янгиликлар.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.10 — Душанба кўрсатувлари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Доира рақсга чорлайди. 11.00 — «Ёш куч». 11.30 — Ўзбек шоирларидан янги таржималар. 12.00 — «Соялар чошгоҳда йўқолади» (бадиий фильм, 1-серия). 13.20 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 13.50 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 14.20 — Реклама. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — «Қувноқлар даврасида». 18.15 — Ота-оналар университети. 18.45 — Ҳалқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. Ч. Айтматов. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Миллионлар байрами». Бутуниттифоқ физкультурачилар кунига бағишланган эшиттириш. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Куйланг, ёш хонанда-лар. 21.30 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ташаббускорлар ҳузурида. 22.45 — «Сакраш ҳуқуқи» (бадиий фильм).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VIII да Қўрмайин босдим тиконни, 14/VIII да Келинлар қўзголони.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари, «Сувда цирк» аттракциони.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт сеансларда), «ВОСТОК», ХАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Стажёр—С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Оилавий мелодрама — «ХИВА» (21.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 09149 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1683.